

Август

Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!



# ИНСОН ва ҚОНУН



9 август 2020 йил / № 33-34 (1237-38) www.hudud24.uz insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



СУДЛАНГАНЛИК "ТАМФАСИ"  
КАНДАЙ ОЛИБ ТАШЛанаДИ? 12-БЕТ

ХАЛҚАРО МЕЪБЭРЛАРГА  
МОС ҲУЖЖАТ 15-БЕТ



Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
жамоаси халқимизни  
Мустақиллигимизнинг  
29 йиллиги  
билан самимий  
муборакбод этади.  
Юртимиз тинчлиги,  
дастурхонларимиз  
тўкинлиги бардавом  
бўлсин. Мустақиллигимиз  
абдий бўлсин!



Мустақиллигимизнинг  
29 йиллиги муборак  
бўлсин!

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ БЎЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1991 йилнинг 31 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 6-сессиясида мамлакат мустақиллиги эълон қилинди.

Уша куннинг ўзида "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида" қарор ҳамда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида" қонун қабул қилинди.

Шу тариқа мамлакатимиз миллий ҳаёт тарзимиз, руҳиятимиз, қадрият ва урф-одатларимиз эъозланган, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик таъминланган ҳолда, иқтисодий-ижтимоий ларзаласиз янги даврга қадам қўйди.

Халқ иродаси билан, кўплаб муҳокамалардан сўнг қабул қилинган Мустақил Ўзбекистон Конституциясида ушбу табаррук заминда истиқомат қилувчи

ҳар бир миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқининг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилди.

Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонулаштириб қўйилган эди. Мустақил юртимиз Асосий қонунда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йиллари давомида барча жаҳаларда, жумладан, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий, иқтисодий, маънавият соҳаларида, турмуш тарзимиз мазмунида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

"Инсон манфаатлари — олий қадрият" шиори ўртага ташланди.

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқи экани, давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборатлиги, бу ҳуқуқни амалга ошириш давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартли экани, демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланиши кун тартибидан жой олди.

Албатта, мустақил юртимиз тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиши, демократик жамият қуриш энг аввало, қонунларимизни такомиллаштиришни тақозо қилади, шу боисдан ҳам, қонунчилик соҳасида ислоҳ қўрилмаган ислохотлар ўтказилди.

Кейинги йилларда мустақил юртимизда қонун устуворлиги биринчи ўринга чиқди. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш

демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг бош мезони бўлиб қолди.

Конституция ва қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш биринчи даражадаги муҳим вазифа этиб белгиланди. Бу гоят муҳим аҳамиятли масала бўлиб, ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришни кун тартибига энг асосий масала қилиб қўйилди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган

вазифалар энг долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугун, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида, ортага қараб, деярли 30 йил давомида босиб ўтилган шарафли йилларни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ўзи танлаган йўллардан собитқадам бормоқда. Очқиклик ва шаффофлик принципида, шарқона демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлидан оғишмай кетаётир. Юксак ҳуқуқий билимли ва ҳуқуқий маданиятли халқи билан буюк келажақ қуриш қатъий мақсадидир. Шу ўринда мустақил давлатимизни қўллаб-қувватлаб, юрт тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиш бизнинг ҳам фуқаролик бурчимиздир.

Жамшидхон Нуритдинов,  
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ — ЯНГИ ЖАМИЯТНИНГ БОШ МАҚСАДИ

ИНСОННИ эъозлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш янги жамиятнинг бош мақсадига айланди.

2020 йил 10 август куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқларни тўлдирishга хизмат қилади.

Куйидаги давра суҳбатида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти билан батафсил танишасиз.



**Улугбек МУХАММАДИЕВ,**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Олий Мажлисининг Ишон  
 ҳуқуқлари бўйича вакили  
 (Омбудсман):

— Тараққиётнинг янги бир bosқичини бошлаган Ўзбекистон инсонларвар ислохотларнинг ташаббускорини сифатида дунё ҳамжамиятининг алоҳида эътирофига сазовор бўлмоқда. Кейинги уч-тўрт йил ичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган 200 дан ортқ қонун,

400 дан ортқ Президент Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти”га айланди.

Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мана шу соҳадаги кенг қамровли ислохотларнинг мантқий давоми сифатида намоён бўлди.

Лекин суд-тергов органлари фаолиятининг булунги тахлили шуни кўрсатаяптики, ҳозир ҳам бу борада жиддий ҳато ва камчиликлар бор. Шунинг эвазига суд-тергов ходимларининг фаолиятига аҳолининг ишончсизлиги борлигидан кўз юмиб бўлмайдди. Айниқса, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш

кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги оқибатида баъзи бир ҳаётий муаммолар келиб чиқмоқда. Жумладан, Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида фожиали ҳолатлар содир бўлди. Ушбу аянчли воқеаларга давлатимиз раҳбари ҳам кескин муносабат билдириб, суд-тергов органлари раҳбарлари бундан тегшли хулоса чиқаришлари кераклигини қайд этди. Булунги кунда ушбу воқеаларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходими қонун олдида жавоб бермоқда. 7 нафари раҳбар лавозимидан озод этилди, яна 16 нафар интизомий жавобгарликка тортилган. Бирок суд-тергов органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли икки нафар фуқаронинг ҳаётига бемаҳал нуқта қўйилди. Бунинг оқибатида қанча инсонларнинг қалби вайрон бўлди. Ҳар икала ҳолат кенг жамоат-чилигининг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Бундан кўриниб турибдики, шахсга нисбатан қийноққа солиш ва

бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарурияти бор.

Шу боис, Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониде шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи белгиланди.

Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан яна бири — унда шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида қўрилаётганлигидан қатъи назар, яра-

шув институти доирасига тушадиган Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиниши белгилаётганлигидир. Ярашув институтини қўллаш тартиби жорий қилиниши, биринчидан, ҳалқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик, ўзаро ҳурмат, аҳиллик ва меҳр-оқибат каби ўлмас фазилатларига ҳамоҳанг бўлса, иккинчидан, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кўпчилилик ривожланиш демократик давлатлар таърибасида қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ярашув институти турлича ата-маллар, хусусан, медиация, келишув битими тузиш, арзиана қабул қилиш ва бошқалар билан қонунчиликка киритилган бўлиб, мазмунига кўра айбдорнинг жабрланувчи билан ярашганлигига кўра жиноий таъқибни тўхтатишни аниглайди.



**Ахтам ТУРСУНОВ,**  
 Ички ишлар вазири  
 Академияси кафедраси  
 бошлиғи, юридик фанлар  
 доктори, профессор:

ларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлгандагина суд ҳукмида далил сифатида тан олинishi мумкин:

■ шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно), уни гувоҳ тарикасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки озгаки кўрсатувлар олиш;

■ ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақирриш ва сўроқ қилиш;

■ суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақирриш ёки сўроқ қилиш (улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд ҳоллар бундан мустасно) тўғрисидаги нормаларнинг киритилишини таъминлаш вазифаси Олий суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилди. Бундан ташқари, жиноят процессида энг муҳим бошқиб бўлган судга қадар иш юритиш даврида шахс ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида:

☞ агар ушланган айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақирриш ва сўроқ қилиш тақиқланмоқда;

☞ шахсни жиноят ишида айбланувчи сифатида жалб қилиш учун реал асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тарикасида сўроқ қилиш, шунингдек, процессуал ҳуқуқларини тушунтирмасдан туриб, ундан бирон-бир ёзма ёки озгаки кўрсатувлар олиш ман этилмоқда.

Маълумки, айбланувчининг қонун ва ҳалқаро ҳужжатларда акс этган энг асосий ҳуқуқларидан бири бу — кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқидир. Демак, Фармон билан ушбу ҳуқуқни амалиётда тўлиқ рўйбага чиқариш имконияти яратилмоқда.

Ушбу Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг ижро этилиши суд-тергов фаолиятини ҳалқаро стандартлар талаблари даражасида янада ривожлантиришга мустаҳкам замин яратаяди.



**Рустам ХАЙДАРОВ,**  
 Тошкент вилоят иқтисодий  
 суди раиси вазирасини  
 бажарувчи:

рафқ этилади. Хусусан, терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодлиқдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумини тиббий куриқдан ўтказиш илтимоснома асосида 24 соат ичида вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасаруфиде бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томониде амалга оширилиши шарт. Бу вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳам таалуқли. Бунда ҳаражатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қопланади. Айтиш керакики, мана шу янги тартиб орқали терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахс ва озодлиқдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан қонун тузилиши ҳолатларининг олдини олади. Буларга нисбатан суд-тергов органлари ходимлари томонидан турли зўравонлик қилинганлиги билан боғлиқ мувожаатлар кўриб чиқилаётганда, энди улар алоҳида шифокор кўригидан ўтказилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортқ бўлмаган муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортқ бўлмаган муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш таризидеги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди. Терговга қадар текширув ёки тергов жараёнида айб эълон қилинган шахс, агарда аҳолининг юқорида қайд этилган қатламларига кирса ҳамда унинг содир этган жинояти учун жазо Фармонда белгиланган меъёрларга тўғри келса, бундай ҳолатда ушбу шахс очикда бўлади. Унга нисбатан бошқа тариздаги эҳтиёт чораси (гаров, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш) қўлланилади.

Шунингдек, Фармонда жиноятчилигининг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартароф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоаттўйлик руҳини шакллантириш механизмини жорий қилиш лозимлиги тўғрисида вазифа қўйилди. Бу бежиз эмас, сабаби, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларда қонунларга қатъий итоаткорлик туйғусини шакллантириш механизмларини жорий этиш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятига муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу Фармонда суд, тергов, терговга қадар амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилиши назарда тутилган. Юқорида таъкидлаб ўтилган суд-тергов амалиётидаги баъзи бир хато ва камчиликлар Фармонда қонунчиликка киритилиши назарда тутилган янги тартиблар билан бартароф қилинади.



**Сирождиддин ЭРГАСHEВ,**  
 Жомбой туман иқтисодий  
 суди судъиси:

раҳбари томонидан 2020 йил 10 августда имзоланган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган суд-тергов органлари фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган.

Жумладан, Фармонда жиноятчилигининг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартароф этиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган бежиз эмас.

Дарҳақиқат, жиноят содир этилгандан кейин унга чора-тадбирлар белгилашдан кўра, жиноят содир этилишининг олдини олиш яхши самара беради. Бунинг учун, Фармонда қайд этилганидек, бу борадаги механизмни ишлаб чиқиш лозим. Минг афсуски, буғунги кунда ҳаётида рўй бераётган акасарий жиноятчилик билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар олмадаги носогол ижтимоий-руҳий муҳит туфайли содир этилмоқда. Бу борадаги статистика маълумотларини тахлил этадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳар йили 30 мингдан ортқ оилаларнинг ажралишига оид ажримлар қайд этилиб, бу масалалар бўйича судларга мувожаат этганларнинг 70 фоизидан ортқи оиласида носогол ижтимоий-руҳий муҳит, эр-хотин, қайнона-келин ўртасида келишмовчилик ва низоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Биргина оилавий ажралишлар оқибатида жиддий ижтимоий муаммолар вуқудга келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг, хусусан, қотилликнинг 28 фоизи, қасддан баданга шикаст етказишларнинг 20 фоизи, ҳақорат қилиш ва туҳматнинг 12,5 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармонда белгиланган вазифалар суд-тергов, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ўз касб фаолиятларини амалга оширишда қатта масъулият юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, Фармон қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалда таъминлаш орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради. Зеро, ИНСОННИ ЭЪОЗЛАШ жамиятнинг бош мақсади.

Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

(Иккинчи мақола)

# Экологик қонунчилик: ТАБИАТ ВА ТИРИКЛИК МОҲИЯТИ



**Жуманазар ХОЛМҮМИНОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети  
профессори, юридик фанлар  
доктори, Халқаро Экология ва Инсон  
хавфсизлиги академияси академиги

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги қарорига асосан, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташлиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилган эди.**

Маиший чиқинди ҳажми йилига 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг атиги 19 фоизи қайта ишланаётганлиги, бу борада хусусий сектор улуши пастлиги, санитар тозалаш хизматлари ҳамма маҳаллаларда ҳам мавжуд эмаслиги, қурилишлар ва sanoat ривожини натижасида чиқиндилар ҳажми ортиб бораётганлиги кўрсатилиб, аҳолига санитар хизмат кўрсатиш қамровини 2021 йилда 100 фоизга етказиш, 221 та чиқинди полигонини санитария-экология талабига мувофиқлаштириш зарурлиги белгиланди.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар белгиланди. 2017 йил 25 сентябрда Президентимизнинг “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Айни пайтда вилоятлар ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ўзанидан кенг тарқалган қазилма бойлиқларини қовлаш ҳамда қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини ҳамкор ташкилотлар билан тартибга солиш борасида назорат ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз томонидан 2017 йил 21 апрелда имзоланган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилон фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

## Чиқиндилар билан боғлиқ жавобгарлик кучайтирилди

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг чиқиндилар билан боғлиқ жавобгарлик ҳамда ерости бойлиқларидан фойдаланишни тартибга солишни ҳуқуқбузарликлар учун чоралар ҳам кучайтирилди.

Бу йўналишда Президентнинг “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар ижроси таъминланиши бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурда ҳар доим Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботи эшитилди. Ушбу йўналишда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ва вилоятлар бошқармаси бошлиқларининг вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида ҳисобот бериш амалиёти жорий этилди.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солиш мақсадида “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳудудларини тадбир-

корлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида чиқинди тўплаш шохобчаларида лозим даражадаги тозаланиш таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралаш шарти билан танлов асосида бириктириб бериш, ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш материалларини йиғиш ва ваколатли органлар билан келишиш тартиб-тамоилларини автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга ошириш ва унинг “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасига интеграция қилиш, жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини оммавий шартномалар асосида кўрсатиш белгилаб қўйилди.

2020 йил 6 март куни Президентимиз атроф-муҳитни асраш ва чиқиндиларни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ижроси танқид қилинди. Хусусан, атроф-муҳитга салбий таъсирлар сақланиб қолётганлиги, атмосферага катта микдорда ифлослантирувчи моддалар қарарилаётганлиги, фауна ва флорага хавф ортиб бораётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарори экологик муаммоларни ҳал этишда экологик ҳуқуқий таълимни олиб бориш, экологик ҳуқуқий мада-

ниятни ошириш соҳасида муҳим аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу Дастур атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш бора-бора атроф-муҳит мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларни татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришга ва барқарор ривожланиш таъминлашга, аҳолига санитар хизмат кўрсатиш қамровини 2021 йилда 100 фоизга етказиш, 221 та чиқинди полигонини санитария-экология талабига мувофиқлаштириш зарурлиги белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги қарорига асосан, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташлиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилган эди.

Таъкидланишича, маиший чиқинди ҳажми йилига 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг атиги 19 фоизи қайта ишланаётганлиги, бу борада хусусий сектор улуши пастлиги, санитар тозалаш хизматлари ҳамма маҳаллаларда ҳам мавжуд эмаслиги, қурилишлар ва sanoat ривожини натижасида чиқиндилар ҳажми ортиб бораётганлиги кўрсатилиб, аҳолига санитар хизмат кўрсатиш қамровини 2021 йилда 100 фоизга етказиш, 221 та чиқинди полигонини санитария-экология талабига мувофиқлаштириш зарурлиги белгиланди.

## Экология кодексини қабул қилиш нега зарур?

2019 йил 3-5 май кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги, “Ййловлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди ва 2020 йил 1 октябрда Экология кодексини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Экология кодексини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш мамлакатимиз тарихида экология соҳасида катта ўзгариш бўлиб, у келажик авлод ва она табиитимизни кўз қорачиғидек сақлаш ва қолдириш учун ҳуқуқий асос бўлади.

Фикримизча, Экология кодексининг қабул қилиниши қуйидаги ижобий ҳулосаларни бериши мумкин:

**Биринчидан**, Экология кодексини жамяят ва табиат ўзаро муносабатларининг барча йўналишларида умумий ҳамда ўзига хос меъёр ва талабларни белгилаб берувчи, экологик муаммоларни ҳал қилиш учун барча экологик ҳуқуқ институтларини бирлаштирувчи, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тартибга солинган бевосита таъсир этувчи қонунлар мажмуи, деб баҳолаш мумкин;

**Иккинчидан**, Экология кодексини замон талаби асосида ишлаб чиқиш, илмий-амалий жиҳатдан асослаш ҳамда экологик чора-тадбирларни рўйбга қилиш мураккаб ҳуқуқий ижодий жараён;

**Учинчидан**, Экология кодекси меъёр ва талабларини қўллаш самарадорлиги, нафақат, давлат бошқаруви органларининг, махсус ваколатли давлат ор-

ганларининг фаолиятига, балки фуқаролик жамяти институтларининг шаклланиши, жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик муаммоларни ҳал этишдаги кенг иштирокига бевосита боғлиқ бўлишини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

## “Сайёрамиз — умумий уйимиз” бўлсин!

Хуллас, назарий фикрлар ва амалиёт жараёни шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатимизнинг географик ва экологик хусусиятларини инобатга олиб, Экология кодексини қабул қилиш ҳозирги давр талаби бўлиб, у экологик қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда экология билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Зеро, Экология кодексининг қабул қилиниши бизни ўраб турган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга, уни соғломлаштиришга, аҳоли учун қулай табиий муҳит яратишга, республикамиз фуқароларининг қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга, барқарор ривожланишни амалга оширишга, умуман олганда, ҳозирги ва келажик авлод учун она табии асрашга ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Она табиитимизнинг мусаффолигини асраб қолиш учун фақатгина Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг масъул ходимлари эмас, балки ҳар биримиз жон куйдиришимиз, атрофимиздаги муаммоларга эътиборсиз бўлмаслигимиз, конституциявий бурчимизни ўз вақтида бажаришимиз ўта муҳимдир, ана шундагина ташвишли экологик муаммо ва таҳдидларни бартараф эттишимиз осонроқ бўлади.

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда хоржий мамлакатлар ёрдамида инвестициялардан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг тажрибасини қўллаш ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир инсонда “Сайёрамиз — умумий уйимиз” туйғуси ва масъулиятини ошириш лозим.

Зеро, халқларимизнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланиш борасидаги кўп асрлик анъаналарига риоя қилиш, табиат бойлиқлари ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни келажик авлод манфаати йўлида ҳал этиш дунё халқларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

## “ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ”

инжиниринг компанияси давлат  
унитар корхонасининг Хоразм филиали жамоаси



Халқимизнинг азиз ва ардоқли байрами — Ўзбекистон Республикаси **Мустақиллигининг 29 йиллик** сана-си мактабгача таълим тизимининг моддий пойдеворини мутаҳкамлаш учун астойдил жон куйдираётган Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш” инжиниринг компанияси давлат унитар корхонасининг Хоразм филиали ходимлари қалбига ҳам куч-ғайрат ва илҳом бағишляпти.

Жамоа ушбу ажойиб байрам билан юртимиз аҳли, кўп сонли мактабгача таълим тизими ходимларини самимий муборакбод этиб, Ватан ободлиги, турмуш тўкинлиги, жамият тараққиёти, истиқлолимиз бардавомлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига омад ва муваффақиятлар тилайди.

***Сизга ҳамиша омад ва юксалиш ёр бўлсин!***



# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ҶОЙДА БОРМИЗ!

## Санаторияда даволаниш учун йўлланмани қандай олса бўлади?

ХОДИМГА даволаниш учун йўлланма унинг иш жойидаги касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ўрнатилган навбат бўйича берилади.

Касаба уюшмаси қўмитаси тузилмаган жойларда иш берувчининг ишончномасига асосан бирлашма омонидан йўлланма ажратилади.

Санатория йўлланмасини олган ходим 2 йилда 1 мартаба мазкур санаторияда 12 кун даволанади ва кўрсатилган муддатдан 1 кун ҳам кечикмасдан бориши шарт. Санатория йўлланмасини олган ходим ўрнига бошқа шахс бориши ёки бир йўлланма учун 2 киши даволаниши мумкин эмас.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан сотиб олиннадиган йўлланмалар:

- 10 фоизгача — бепул;
- 90 фоизгача — қиймати қисман ундирилган ҳолда берилади.

Йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қийматини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- банк муассасалари орқали “Эълон” бўйича нақд пул ёки пластик карточка орқали бирлашманинг ижтимоий сўғурта бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади;
- касаба уюшма қўмитаси ёки туман, шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари кассасига нақд пулда тўланади;
- корхона бухгалтерияси томонидан ходимнинг аризасига кўра иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Агар ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан йўлланма олган ходим, йўлламадан фойдаланмаса ва ўз вақтида узрли сабабсиз касаба уюшма ташкилотига қайтариб топширмаса ёки бошқа шахсга бериб юборса, шунингдек, ходим икки ёки ундан ортиқ йўлланмадан фойдаланганлиги аниқланса, ундан йўлланма қийматининг, қисман тўланганидан қолган қисми ёки йўлланма бепул берилган бўлса, тўлиқ қиймати ундириб олинади.

## Қайси ҳолатларда шахсга ишсиз мақоми берилади?

— ИШСИЗЛАР — ўн олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулота эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш тақлиф этилса, унга киришга тайёр бўлган ёхуд касбага тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

Ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва улар томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахслар ишсиз, деб эътироф этилади.

## Эмансипация нима дегани?

— ЎН олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайди.

## Ким якка тартибдаги тадбиркор бўлиши мумкин?

— ЯККА тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.


Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда мустақил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

## Фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш

АГАР фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган, деб топиши мумкин.

Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган, деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса — кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.



Саволларга Мадад ННТнинг Шайхонтохур туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси **АЛИКУЛ ХАЙРУЛЛАЕВ** жавоб берди.

## Фуқаро уй-жойи бузилганда қандай ҳуқуқлардан фойдаланади?

— УЙЛАРИ (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг хоҳишига кўра, янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мулк қилиб берилади. Бунда бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди.



## Кимларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган?

— ДАВЛАТ ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига:

- давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга;
- давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига;
- давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига.

## “ХОРАЗМ СУВ ТАЪМИНОТИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*Буюк Истиқлолликнинг  
муборак 29 йиллиги дилларингизга  
хушнудлик, кўтаринкилик,  
тўшқинлик, шодлик, қувонч,  
фахр-ифтихор ва зурур  
туйғуларини бағишласин!*

Хурлик ва эркинлик барча ўзбекистонликлар турмушига янада кўп тўкинлик, фаровонлик, файзу барака, бахт ва омад келтирсин! Самимий дил қутловларимизни Сиз — азиз юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизнинг ичимлик сув таъминоти соҳаси меҳнатчилари, кўп сонли истеъмолчилар, барча ҳамкорларимизга йўллаймиз. Ҳамма-ҳаммангизни ушбу тарихий сана — энг улуғ ва энг азиз байрамимиз билан самимий муборакбод этамиз!

# СОБИҚ ХОДИМ НЕГА НОРОЗИ БЎЛДИ?

**ВОБКЕНТ туманида яшовчи фуқаро Вали Гафоровнинг Қоровулбозор туманидаги "Ўзпартъминот" АЖдан 2019 йил май, июнь, июль ва август ойлари учун иш ҳақи ҳамда ишдан бўшаганидан сўнг якуний ҳисоб-китоб пуллари ундириш юзасидан қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан батафсил ўрганиб чиқилди.**

Ўрганиш натижасида мурожаат муаллифи В.Гафоров муқаддам Қоровулбозор туманидаги "Ўзпартъминот"

акциядорлик жамиятида ишлагани, унинг 2019 йил 26 августдаги ишдан бўшаши сўраб ёзган аризасига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси 2 ҳафталик муддат қўтилмасдан бекор қилинганлиги, собиқ ходим В.Гафоровга у ишлаган даврлари (2019 йил май, июнь, июль ва август ойлари) учун иш ҳақлари ҳамда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин у билан якуний ҳисоб-китоб қилинмай, ҳозирги кунга қадар унга ушбу тўловлар тўланмасдан келинганлиги аниқланган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан Қоровулбозор туманидаги "Ўзпартъминот" АЖга қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада, мурожаат муаллифига тўланмай қолган жами 6 656 034 сўм иш ҳақи тўлашига эришилди.

**Зоҳид ҲАЛИМОВ,**  
Вобкент туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси



## ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН СТАЖ ҲИСОБГА ОЛИНДИ

**БУВАЙДА** туманининг Қорақум қишлоғида яшовчи Ҳанифахон Аширова сўнгги 25 йил мобайнида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Юқумли касалликларга қарши курашиш шифохонасида ўрта тиббиёт ходими вазифасида ишлаб келди. Энг муҳими, у ўзининг самимийлиги, фидокорона меҳнати билан жамоада ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Аммо...

Аммо жорий йилнинг март ойида 50 ёшга тўлиб, имтиёзли нафақага чиқмоқчи бўлганда муаммога дуч келди. Яъни, Ҳ.Аширова пенсия тайинлаши сўраб, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Бувайда туман бўлимига мурожаат қилади. Бироқ унинг аризаси ва илова қилинган ҳужжатларини ўрганиб чиққан бўлим мутахассислари "Иш ўринлари аттестациядан ўтказилмаган", деган вақ билан имтиёзли пенсия тайинлаши рад этади. Ваҳоланки, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш тегишли ташкилотнинг вазифаси, бунда ходимнинг ҳеч қандай айби йўқ. Шу боис Ҳанифахон опа наҳот истаб, туман адлия бўлими эшигини қўқди.

Ўрганишда аён бўлдики, Ҳанифахон Аширова ишлаган лавозим Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорнинг 3-сонли рўйхатига тўлиқ мос келади. Бинобарин, Ҳ.Ашированин манфאתини кўзлаб, зарарли ишларда ишлаганлик фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 295-моддасига биноан суд фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкый ҳуқуқлари юзага келишига, ўзгартиришига ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни аниқлайди. Аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёхуд йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд ушбу фактларни аниқлайди. Ана шу асосларга таянган суд туман адлия бўлимининг аризасини қаноатлантириб, Ҳанифахон Ашированин 1995 йил 20 июндан жорий йилга қадар Бувайда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Юқумли касалликларга қарши курашиш шифохонасида Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори 3-сонли рўйхатининг 1754Б-рақамда қайд этилган зарарли касбларда ишлаганлик фактини белгилади.

Шу тариқа адлия аралашуви билан фуқаронинг имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи тикланди.

**Умиджон НАЗИРОВ,**  
Бувайда туман адлия бўлими бошлиғи

## КОТИБАГА ОЙЛИК ЧИҚМАДИ

**ФУҚАРО Ф.Ганиева "Сузукота" маҳалла фуқаролар йиғини котибаси лавозимида ишлаганлиги ва унга жорий йилнинг май ойи учун ишлаган даврига ойлик маоши ҳеч қандай сабабсиз тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб, амалий ёрдам сўраб Шайхонтохур туман адлия бўлимига мурожаат қилган.**



Туман адлия бўлими томонидан мазкур мурожаатга тегишли ҳужжатлар туман ҳокимлиги бухгалтериясидан олиб таҳлил қилинганда, ҳақиқатан ҳам фуқаро Ф.Ганиевага ҳамойи учун ойлик маоши тўлаб берилмаганлиги ўз тасдиғини топди.

Туман адлия бўлими томонидан кўрилган чоралар натижасида туман ҳокимлигидан фуқаро Ф.Ганиевага 918 000 сўм ойлик иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди. Аммо кишини бир нарсга ўйлантиради: ўзи арзимасган маош бўлса,

шуни ҳам ўз ходими тўлаб бермаслиқдан уялмайдиган мутасаддиларнинг бу қилмиши хиёнатнинг бир кўриниши эмасми?

**А.НОРМУРАТОВ,**  
Шайхонтохур туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

## Ҳайитгул опага маҳалладан ЁРДАМ АЖРАТИЛАДИГАН БЎЛДИ

**ШИРИН шаҳар Фарҳод маҳалласида истиқомат қилаётган Ҳайитгул Худоевора турмушида қийинчиликларга дуч келди. Боиси, турмуш ўртоғи Исмоил Исмолов 2-гуруҳ ногирони. Боз устига, рўзғор ҳам ана шу ногиронлик нафақаси эвазига аранг тебраниб турибди.**

Бир нафар вояга етмаган фарзанди ва оиланин эҳтиёжлари учун биргина нафақанин ўзи камлик қилди. Х.Худоевора моддий ёрдамга муҳтожлик сезди.

Шу сабабли Ширин шаҳар адлия бўлимига оилани кам таъминланган оилалар рўйхатига киритиш ва маҳалладан моддий ёрдам олиш масаласида мурожаат қилди. Мазкур мурожаат мутахассис жалб қилинган ҳолда адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Фуқаро Х.Худоевонинг оиласи чиндан ҳам моддий ёрдамга муҳтож эканлиги инобатга олинб, ҳомийлар томонидан 9 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди, шунингдек, адлия бўлими аралашуви билан ушбу оила янги шакллантирилаётган эҳтиёжманд оилалар рўйхатига киритилди.

**Шокиржон НАДИРОВ,**  
Ширин шаҳар адлия бўлими бошлиғи

## ЎН ИККИ ЙИЛЛИК МУАММО БИР КУНДА ҲАЛ БЎЛДИ

**ПАХТАОБОД туман Файзобод МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаролар бўлимимизга мурожаат қилди.**

Жумладан, фуқаро Зухраҳон Ҳакимова ўз мурожаатида 2008 йилда туғилган фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома-ни турмуш ўртоғи билан қонуний никоҳи йўқлиги сабабли расмийлаштира олмаётганини баён қилган.

Маълумки, қонун ҳужжатида кўра: "Никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган ҳисобланса, у ҳолда қонуний вакили) томонидан биргаликда берилган аризаси ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида ФХДЁ органида амалга оширилади", деб кўрсатилган.

Юқоридаги қоида талабларидан келиб чиқиб, фуқаро Ҳакимованин фарзанди Усманов Камолиддин Лочинбек ўғлига 2020 йил 29 июль кuni орадан 12 йил ўтгандан сўнг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

**Шерзодбек ЮСУПОВ,**  
Анджон шаҳар адлия бўлими ходими

## Шовотда шифокорга рағбатлантириш тўлови тўланмаган



**ШОВОТ туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмаси ходими Э.И.нинг коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт ходимларига ҳар 14 кунлик фаолият даври учун тўланадиган махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови тўланмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати кўриб чиқилди.**

Аниқланишича, ходим Э.И. кардиология реабилитация бўлими ва юқумли касалликлар бўлимида карантин даврида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш жараёнига жалб қилинган.

Бироқ ходимга қонунчиликда белгиланган махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланмаган.


Юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан туман адлия бўлими томонидан Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдимнома киритилиб, ходимга тўланмаган 42 857 000 сўм махсус қўшимча рағбатлантириш пуллари тўланиши таъминланди.

**Умрбек БАКИЕВ,**  
Шовот туман адлия бўлими масъул ходими



## ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз **Мустақиллигининг 29 йиллик** санаси юртимиз бунёдкорлик майдонларидаги кўламдор ишлар билан давом этмоқда. Ушбу шонли айём бино-иншоот, обидалар қурилишлари сифатини таъминлаш тизими ходимлари, хусусан, ушбу бўғиннинг Хоразм вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий нazorат инспекцияси мутахассислари ва ишчи-хизматчилари учун ҳам энг улуғ ва энг азиз байрам саналади. Жамоа мамлакатимиз аҳли, шунингдек, бунёдкорлик жабҳаларида меҳнат қилаётган минг-мингларча юртдошларимизни мазкур шонли байрам билан самимий қутлайди, ишига омад, турмушига қут-барака, қалбига қувонч ва шодлик кайфиятини тилайди.





# **“ҚИШЛОҚҚУРИЛИШ ИНВЕСТ”** МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**азиз халқимизни Устиклолимизнинг 29 йиллиги билан  
самимий муборакбод этади!**

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз ва энг мўътабар байрамини муносиб тухфалар билан кутиб олаётганлар сафига биз — “Қишлоққурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компаниясининг Хоразм филиали ходимлари ҳам борлигидан бошимиз осмонда. Зеро, эл-юрт бахт-саодати йўлида фидойилик билан меҳнат қилиш — ҳар бир фуқаронинг фахрли бурчи. Шу пайтгача эришган ютуқларимиз салмоғини янада ошириш ва тобора мустаҳкамлаб бориш эса эзгу мақсадимиз, халқимиз, кўп сонли буюртмачилар олдидаги масъулиятли вазифамиз, инсоний фарз ва қарзимиздир. Ана шундай юксак кайфият ва кўтаринкилик руҳи Устиклолимизнинг шонли 29 йиллиги тантаналарига янада файз ва кўрк бағишляпти. Жамоамиз воҳа қишлоқлари хусни-жамолини обод уй-жойлар, инфраструктура тизимлари билан янада кўркамлаштириш йўлида бор куч-гайратини сафарбар этаяпти. Бунёдкорлик ўчоқларини моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тезкорлик билан ҳозирлаш ишлари намунали амалга ошириляпти.


**Қалбимизни эса буюк Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги  
шоғиёналари тўлдирган.**

**Ушбу қутлуғ айём барча-барчангизга муборак бўлсин!**

**Қизғин ва самимий қутловларимизни қабул қилинг, азиз  
юртдошлар! Байрам муборак!**



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТ  
ҲОКИМЛИГИНИНГ  
“ЯГОНА БУЮРТМАЧИ  
ХИЗМАТИ”  
ИНЖИНИРИНГ  
КОМПАНИЯСИ  
ЖАМОАСИ**



воҳадаги катта ва кўламдор миқёсдаги бунёдкорликларнинг аксарият кўпчилиги ва салмоқли қисми Хоразм вилоят ҳоқимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг фаол ташкилотчилиги, молиявий ва моддий-техникавий ресурслари эвазига амалга оширилаяпти. Компания бу йил Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиат ҳодисалари оқибатларини бартараф этишда ҳам жонбозлик кўрсатди. Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги Қўрғонтепа қишлоғи аҳли учун жами 173 та тураржой бинолари, бир нечта хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриб берилди. Воҳалик бунёдкорлар кучи ва маблағи эвазига барпо этилган маҳалла марказига Муҳаммад ал-Хоразмий номи берилди. Хоразмлик бунёдкорларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини кучайтираётган мазкур компаниянинг бу сингари хайру савоб ишлари ҳажми ниҳоятда катта. Воҳадаги мана-ман, деган барча йирик ҳашамдор бино-иншоотлар бунёдкорлиги компания номи билан боғлиқ.

Шонли Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги — жамоа учун қўшалоқ байрам. Ушбу муборак сана арафасида бутун воҳа бўйлаб яна ўнларча иморат ва иншоотлар қуриб битказилгани ва фойдаланишга берилгани қалблардаги жўшқинлик ва ишчанлик кайфиятини янада оширди. Жамоа шу янглиғ улкан шодиёна билан бутун Ўзбекистон аҳлини, барча қурувчилар оммаси ва ҳамкорларини шонли байрам билан самимий муборакбод этади. Ишларига ривож ва омад тилайди. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўзбекистонликлар!





## ҲАР БИР БОЛА ТУГИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА ОЛИШГА ҲАҚЛИ

ЎТГАН давр мобайнида туғилиш, ўлим, ниқоҳ тузиш ва ниқоҳдан ажралиш каби муҳим воқеа ва фактларни қайд этишда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ва тизимли ишлар олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 16-бандида, боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат мобайнида оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши зарур. Аммо ушбу белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмайди.

Бундай ҳолатда, ун олти ёшгача бўлган боланинг туғилишини қайд этиш учун ФХДЁ органига туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган ариза боланинг ота-онаси, ота-онанинг қонуний никоҳи мавжуд бўлган ҳолларда улардан бири ёки ишончнома асосида бошқа манфаатдор шахс, ота-онанинг ўрнини босувчи шахс ёхуд васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан тақдим этилади.

ФХДЁ органи туғилиш фактини тасдиқловчи ҳужжатга қўшимча равишда қонунийликда белгиланган тартибда бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин.

ФХДЁ органлари ва ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги идоралараро электрон ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги туғилиш ва ўлимни ўз вақтида қайд этилмасдан келинаётганлигига сабаб бўлади.

ФХДЁ органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилишига қарамасдан ота-оналарнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини етарлича билмаётганлигида, дейиш мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра, 2019-2020 йиллар давомида ФХДЁ органлари томонидан муддати ўтказиб қайд этилган жами 395 та туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларидан 150 нафари мактаб ёшидаги болалар эканлиги маълум бўлди.

Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан жорий йилнинг май ойида ФХДЁ органлари томонидан муддати ўтиб қайд этилган туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларини расмийлаштиришда йўл қўйилаётган юқоридаги камчиликлар бартараф этилди. Шунингдек, келгусида бу борада ягона амалиётни жорий этиш ҳамда муддати ўтиб қайд этилган туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатларни қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши ҳолатлари ўрганилиб, тегишли тавсиялар берилди.

**Ш.ЭСАНОВА,**

Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ФХДЁ органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бўлими бош маслаҳатчиси

**К**ўП фуқароларимиз “судланган” деган қора тамгадан йироқроққ юришга ҳаракат қилишади. Дунёда ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди, балки ана шу салбий иллатни ҳаёти давомида ўзига орттириб олади. Тақдир тақозоси биланми ёки билиб-билмай адашиб жиноят кўча-сига кириб қолганлар кейинчалик ўз бўйниларига “судланган”, деган тамгани олишга мажбур бўлади.



# СУДЛАНГАНЛИК “ТАМҒАСИ” ҚАНДАЙ ОЛИБ ТАШЛанади?

*Судланганлик ўзи нима? Амалдаги Жиноят кодексига кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Аслида, суд томонидан жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, деб ҳисобланади.*

*Ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг оқибати бўлгани каби жиноят содир этишнинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқий оқибати мавжуд ва бу ҳам бўлса судланганликдир.*

Судланганлик эса шахс манфаатларига таъсир этувчи бир қатор ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Улар қуйидагилар:

- жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат ҳисобланади;
- муайян ҳолларда шахсни “ўта хавфли рецидивист”, деб топилишига асос бўлади;
- жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади;
- илгари содир этилган жинояти учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо белгилашда судланганлик қаттиқроқ қоидалар қўлланилишига сабаб бўлади;
- тугалланмаган ва олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги айрим асослар бўйича, масалан, жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига тўсқинлик қилади. Қуйидаги ҳолатларда шахс судланмаган ҳисобланади:
  - жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилганда;
  - тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилган бўлса;
  - жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;
  - қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги му-

носабати билан жазодан озод қилинганда;

- айбдор ўз қилмишига амалда пуршаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;
- жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жазодан озод қилинганда;
- жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли жазодан озод қилинганда;
- амнистия ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганда.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Қўпчиликка судланганлик ҳолати қачон йўқолиши қизиқ. Шу масалага тўхталадиган бўлсак, демек, жиноят қонуни бўйича шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

- шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — суд томонидан шахсга белгиланган синов муддати тугаган кундан бошлаб;
- мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққан;
- жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

Шунингдек, судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари қандай ҳисобланади?

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари суд томонидан жазога ҳукм қилинган шахснинг асосий ва қўшимча жазолари ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Асосий ва қўшимча жазо ўтаб бўлинган, Жиноят кодексининг 78-моддасида белгиланган, яъни судланганлик муддатлари ўтиши билан шахс судланмаган ҳисобланади.

Судланганлик муддатларини ҳисоблашда бир қатор қоидалар мавжуд. Масалан, агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади;

Агар шахсга тайинланган жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро

- озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтгач;
- беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач;
- беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;
- ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач;
- Қонунчилигимизда фуқароларимиз билиши лозим бўлган муҳим қоидалар мавжуд. Бу судланганликни муддатидан олдин олиб ташлаш масаласидир.

Жиноят кодексига кўра, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса:

- жамоат бирлашмаси;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи;
- меҳнат жамоаси;
- жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи ёки вакилининг берган илтимосномасига кўра ҳам суд Жиноят кодексига назарда тутилган юқорида қайд этилган муддатларнинг камида ярмини ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

этилган қисмидан ҳисобланади;

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай, яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охири содир этилган жиноят учун жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади.

Юқорида тўхталиб ўтилган масалалар юзасидан фуқароларимизга судланганлик бўйича етарли даражада маълумот берган бўлсак, ўз мақсадимизга эришган ҳисобланамиз. Зеро, жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидалардан қўзланган асосий мақсад ҳам фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш ҳамда уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат. Шундай экан, барчамиз мамлакатимиз равнақи учун амалдаги қонунларимизда ўрнатилган ҳуқуқ ва эркинликларимизни билишимиз, мажбуриятларимизни бажаришимиз ҳамда уларга амал қилишимиз, зарурат бўлганда эса атофдагиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришимиз ҳам қарз ҳам фарздир.

**Уқун САМАНДАРОВ,**  
 жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди катта мутахассиси

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ



*Мамлакатимизда халқ ва давлат эҳтиёжлари учун кўплаб бино ва иншоотлар, обод йўл ва кўча-хиёбонлар, бошқа маданий-маиший масканларни бунёд этишга самарали кўмаклашаётган*

## **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

*улкан бунёдкорлик ишлари қатнашчилари номларини адолат ва холислик принципи асосида аниқлашга қаратилган тадбирларни юксак талабчанлик ва диққат-эътибор асосида амалга ошираяпти. Бу қурилиш-яратувчилик ишларини ўз вақтида тез ва сифатли амалга ошириш, маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида катта имконлар яратаяпти.*

*Воҳадаги кенг миқёсли бунёдкорликларни замон талаблари даражасига дадил кўтараётган мазкур жамоа барча ватандошларимизни улкан байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий табриклаб, ишларига ривож, омад, турмушига тўкинлик ва фаровонлик тилайди.*

**И**ККИ дарё оралигидаги Оқдарё тумани географик жиҳатдан кичикроқ. Аммо энг замонавий иссиқхоналар, мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган қўшма корхоналар, деҳқончиликнинг сара маҳсулотларини етиштирадиган фермер хўжаликлари шу ҳудудда жойлашган. Оқдарёнинг Дайровотга туташ ерлари серҳосил, пахта ва галладан ташқари бу ҳудуд қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ҳосил етиштиришда ҳамиша биринчилардан бўлиб келади.

# ОҚДАРЁ ОДИМЛАРИ:

## ҳар хайрнинг ортида барака бор

Даҳбет шаҳарчасида жойлашган Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Пахтачилик илмий тажриба станциясида пахтанинг сара навлари яратиб келинмоқда.

Бугун Оқдарё саноат ва қишлоқ хўжалигида илғор технологиялар асосида яхши натижаларга эришаётган, хориждан инвестициялар киришиб, кўплаб янги иш ўринлари яратаётган туман сифатида кўзга кўринмоқда.

Оқдарё тумани ҳокими Нажмиддин Сулаймонов биз билан суҳбатда туманда амалга оширилаётган бир қанча хайрли ишлар ҳақида сўз юритди:

— Бугунги синовли кунларда аҳолининг кўмакка муҳтож қатламига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ёрдам ажратилмоқда. Рўйхатга

олинган 1845 нафар муҳтож инсонга 1,4 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 613 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти, 354 миллион сўм нақд пул шаклида, 84 миллион сўмлик дори-дармон воситаси, 128 миллион сўмлик чорва моллари, 32 миллион сўмлик парранда олиб берилди ва 17 миллион сўмлик бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Қурбон ҳайити муносабати билан туманимизга давлат бюджетидан 315 миллион сўм миқдоридан пул ажратилган эди. Ушбу маблағ 315 та оилага нақд пул шаклида тақсимланиб, бир марталик моддий ёрдам сифатида тарқатилди.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тадбири доирасида тумандаги Бобур маҳалласидаги муҳтож оилаларга 20 миллион сўм нақд пул, 2000

дона кўчат, 7450 бош жўжа, 28 бош чорва моллари тарқатилди. Бир қанча оилаларга 20 дан зиёд энгил конструкцияли иссиқхона қуриб берилди.

Туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож 1845 та оила бор. Уларда 2350 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқаро яшайди. Бугунга қадар уларнинг 2020 нафари иш билан таъминланди. Жумладан, 103 нафари оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, 1174 нафари ўзини ўзи банд қилиш ва жамоатчилик ишлари, 570 нафари қишлоқ хўжалиги юмушларига жалб қилинди.

Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабидан келиб чиқиб, туманда 7044 гектар ер майдони такрорий экин экиш учун ажратилди. Шунингдек, кам таъминланган оила аъзоларининг 1179 нафар фуқаросига 653 гектар

ер такрорий экин экиш учун ажратиб берилди.

Оқдарё табаррук замин. Бу ерда Нақшбандия тариқатининг пиримуршиди Махдуми Аъзам яшаб ўтган. Ҳар гал Даҳбетдан ўтаётганимда улуг пир мақбарасини зиёрат қиламан. Бу зот ўз даврида кўплаб боғу роғлар барпо этиб, етиштирилган ҳосилдан ҳамиша етим-есирлар, қариялар ва камбағалларга тарқатган экан. Бугун ҳам ана шу хайрли удумни саховатпеша инсонлар ва давлатимиз кўмагида давом эттирмоқдамиз.

Кумушкент маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусайин Муродов маҳаллада истиқомат қилувчи 54 та ёрдамга муҳтож оилага жами 27 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти тарқатилгани, 5 та оилага такрорий экин экиш учун ер ажратилгани, Қурбон ҳайити

арафасида ҳам маҳалладаги саховатли инсонлар ёрдамида кўплаб оилаларга моддий ёрдам берилганини таъкидлади.

— Қурбон ҳайити кунларида ҳокимнинг ўзи келиб, бизга 1 миллион сўмдан пул, озиқ-овқат маҳсулотлари бериб кетди. Оғир дамларда бизни унутмаётган давлатимиздан, эзгу ташаббусларни илгари сураётган Президентимиздан миннатдорман, — дея ўз ҳаяжонини ифода этди Янгибод маҳалласида яшовчи Баҳора опа.

Оқдарёда туман иқтисодиётини кўтариш, халқ фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш учун ана шундай хайрли ишлар давом этмоқда.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони айнан халқаро меъёрларга хос ва мос бўлган тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир.**



# Халқаро меъёрларга МОС ҲУЖЖАТ

**Ф**армонни бандма-банд ўрғанадиган бўлсак, унда назарда тутилган ўзгаришларнинг ҳар бири жамиятда адолатни қарор топтиришни кўзда тутгани билан эътиборли эканлигини кўрамыз. Чунки унда одил судлов тизимини такомиллаштириш ва адолатли суд самарадорлигини оширишга доир бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда халқаро тажриба эътиборга олингани аяқол кўриниб турибди. Фармонда прокурорнинг судда иш қўрилиши жараёнида иштирок этиш тартиби уч йўналишда илгор халқаро стандартларга мослаштирилиши назарда тутилганлиги диққатга сазовор. Унга кўра, биринчидан, прокурор суд жараёнида айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларида кўра жиноят ишини тутатиш мумкин бўлади (бу меъёр, албатта, инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда муҳимдир); иккинчидан, прокурор томонидан қарафлар мурожаати маъмурий бўлган ҳолдагина, суддан ишни ўрганиш учун қақриб олинади; учинчидан, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг қўрилишида ўз ташаббуси билан иштирок этиши чегараланади.

Бундан ташқари, эндиликда, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиغان ишларни қўришга иختисослаштирилган маъмурий судлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳридагина ташкил этилади. Бу судларда фуқаролар томонидан мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган даъволар бўйича юритилган маъмурий ишлар қўриб чиқилади.

Шу билан бирга вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиши, уларнинг негизда судьяларнинг қатъий иختисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судларини ташкил этиш назарда тутилди.

Маълумки, судларнинг тарқоқлиги фуқаролар учун қийинчилик туғдираётган, ортиқча сарф-харажатга сабаб бўлаётган эди. Фармонда вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг ҳам салоҳияти, ҳам маъмурий

ошириладиган бўлди. Айни вақтда ҳар бир вилоят ва унга тенглаштирилган судларда тўрт нафардан ўн беш нафар судья фаолият юритаётган бўлса, янги ташкил этиладиган умумюрисдикция судларида 19 нафардан 47 нафаргача судья ишлайди. Натижада, судда ишларни сифатли ва самарали қўриш механизми вужудга келади. Энг муҳими, фуқароларнинг судма-суд юриши, у шаҳардан бу шаҳарга қатнаши барҳам топади.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ишлар билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўридан судлар битта бўлиб, турли чалкашликларга сабаб бўлаётган эди. Фармонда бунинг олдини олишга қаратилган қатъий чоралар белгиланди. Албатта, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши бу борадаги муаммоларга өчим бўлиб хизмат қилади.

Фармонда яна бир муҳим масалага ўрин ажратилган. Бу ҳам бўлса, судларда жиноят ишларини қўриш чоғида ишни суд мажлисида қўришдан аввал, инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда. Хўш, бу институт нима учун керак эди?

Бизнинг одил судлов амалиётида бир пайтлар жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш институти бор эди ва судлар бир неча босқичда шундай ҳулосага келиши мумкин эди. Кейинчалик, қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинган, дастлабки тергов органи томонидан судда тузатиш имкони бўлмаган хатоликларга йўл қўйилиши кузатилади ва оқибатда ўтган йилнинг ўзида Фармонда таъкидланганидек, 469 та иш бир неча кун,

ҳатто ойлаб суд мажлисларида қўрилгандан кейин дастлабки терговдаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга қайтарилган. Бу ўз-ўзидан ортиқча вақт, ортиқча иш, ортиқча маблағ талаб қилади.

Эндиликда ишни судга тайинлаш жараёни 7 сутка ичида амалга оширилиши, шу муддатдагина судья мазкур масалани узил-кесил ҳал этиши назарда тутилмоқда.

Фармонда бошқа масалалар ҳам назарда тутилган. Энг муҳими, халқаро тажрибага таянган ҳолда ишни назорат тартибда қўриш институтига барҳам бериш масаласи қўйилган. Хусусан, туманларро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта қўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта қўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Демак, фуқароларнинг суд қарорлари устидан шикоят қилиш институти такомиллаштирилади.

Бу тартибнинг амалиётга киритилиши инсон ҳуқуқларини халқаро меъёрлар даражасида ҳимоялашга, адвокатура институтининг мавқеини оширишга, адвокатларнинг бу ишларда бевосита ёки билвосита иштирок этишига имконият туғдиради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг

ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибда такоран қўриб чиқиш мумкин бўлади.

Яна бир муҳим масала, судьялар ва суд ходимларининг моддий таъминоти 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ давлат бюджетига ўтказилиши ва уларнинг иш ҳақи оширилиши белгиланган бўлиб, бу, албатта, судьяларнинг ва суд ходимларининг мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фармонда судьялар ва судьяликка даъвогарларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилган. Қонунчиликда бундай норманинг бўлиши суд қарорларини тинлаш ва жой-joyига қўйишда адолатлилик ва шаффофлик принципларини таъминлайди.

Суд тизимини такомиллаштиришга бағишланган яна бир қатор масалалар жумласида Ўзбекистон Республикаси Олий судида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармасининг, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмаларида матбуот хизматларининг ташкил этилиши одил судлов фаолиятининг очиклигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Яна судлар мустақиллиги ва одил судлов органларининг обрўси учун муҳим бўлган, жамият учун аҳамиятли масала, бу судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича

таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда 2021-2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қўриш ҳамда реконструкция қилиш дастурини тасдиқлаш учун киришти ҳақидаги кўрсатмалардир.

Очиги, ушбу Фармон билан 2021 йил бошидан амалиётга жорий этилиши назарда тутилган янги тартиб суд тизимидаги муаммо ва камчиликларни, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта қўришнинг бир-бирини такорловчи босқичларини бекор қилишга, томонларга судда тенг имкониятлар даражасида иштирок этиш ваколатини таъминлашга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишига эришишга, шунингдек, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, очиклик ва шаффофликка хизмат қилади.

Фармоннинг эркин ва адолатли фуқаролик жамияти учун аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлаган ҳолда, Президентимиз ташаббуси билан халқимиз манфаатлари йўлида ўтказилаётган бу борадаги кенг қамровли ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, адолат тарозиси ҳисобланган одил судлов органлари амалда мустақил, қонун устуворлигини таъминлайдиган, инсон ҳуқуқларининг кафолати сифатида ҳар бир ишни адолатли ҳал қиладиган орган бўлиши лозим.

**Жамшид РАҲМОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ҳарбий суди судьяси**

**ЭЪЛОН**

"TASHKENT KINDERGARTEN" нодавлат таълим муассасасининг (ИНН:307 675 437) 26.08.2020 йилдан бошлаб, ташкилий-ҳуқуқий шакли "TASHKENT KINDERGARTEN" масъулияти чекланган жамияти деб ўзгартирилганини маълум қиламиз. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 26-уй. Телефон: 90/977-44-99

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси газетанинг собиқ муҳбири, журналист, "Жасорат" медалли соҳиби

**Қурбон ЭШМАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат хизматлари Агентлиги Самирқанд вилоят бошқармаси жамоаси Пайариқ туман Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси

**Жаҳонгир ТОШТЕМИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Мадад" ННТ жамоаси ташкилотнинг Қашқадарь вилояти, Гуздор тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Зафар Адилмовга волидаи муҳтарамаси

**Саломат АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2010-7917

9772010791008

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулос Ахбар Жўрабоевич  
Рабиёев Шерзод Миржалилович  
Тоқиев Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Фарида Қорақуллова  
**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳамда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4800  
Буюртма — V-4297

Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпиричди — 21:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



29 YIL


VATANIMIZ MUSTAQILLIGI  
MUBORAK BO'LSIN!



www.asakabank.uz  
Xizmatlar litsenziyalangan.

Фикр қил

Омонатга  
хиёнат



Кунлардан бир куни бир киши ўралган, муҳрланган бир халтачани дўстининг хузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётибман, ичида минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонат топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан, — деб халтачани топширди ва ўша куни сафарга чиқиб кетди. Сафари узок вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир томонини сўқди, олтинларни олиб, тангалар билан тўлғизди, сўқилган жойини ҳеч билинмайдиган қилиб тикиб қўйди. Орадан ўн йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани чиқариб берди. Омонат эгаси халтачани очиб, тангаларни кўргач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халта ичидаги олтинларим қани? — деб сўраганди, дўсти инкор қилиб: — Халтачага нима солиб қўйган бўлсанг, шундай турибди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бузилмаган, тагин нима даъво қиласан? — деди. Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисининг хузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақли ва тadbирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстни қақриб олиб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишда давом қилди.

— Омонат қўйганимга неча йил бўлди? — деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди.

Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангаларнинг босилганига икки-уч йилдан ортқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангаларнинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб, қилган айбига иқрор бўлишга мажбур бўлди. Tadbирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчини эшакка тескари миндирдилар. "Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади" деб қичқариб, шаҳар, кўча ва бозорларни айланттирдилар.

ЯРОҚСИЗ ГЎШТЛАР  
НАЗОРАТ ПОСТЛАРИДАН  
ҚАНДАЙ ЎТИБ КЕЛГАН?



Афсуски, 2019 йилда ҳам Навоий шаҳар марказий бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига жавоб берадиган ветеринария лаборатория мутахассислари билан ҳам худди шу ҳолат — "эшак гўшти" билан боғлиқ ҳодиса рўй берган эди (мумкин ўша воқеадир билмадим).

Энди чуқур фикр юритиб кўрсангиз, шу воқеалар содир этилишида, давлат ветеринария назоратининг издан чиққанлигини, ҳаммаси қоғозбозликка, кўзбўямачиликка айланиб кетганлигини, умуман ветеринария назорати сусайганлигидан далолатдир. Устига устак давлат ветеринария назоратига чорвачиликнинг сунъий қочириб вази фаси ҳам юклатилган. Ахир, бу умуман бошқа соҳа — чорвачилик соҳаси бўлса, бунинг ветеринария хизмат назоратчисига алоқаси йўқ. Сунъий қочириб ўзи би, мустақил, ўта масъулиятли соҳа. Ветеринария соҳаси эса умуман бошқа соҳа бўлса. Шунинг учун ҳам ветеринария назорати барча соҳаларда, айниқса, озиқ-овқат сифати, келиб чиқиши, маҳсулотларни, гўшт маҳсулотларини, қаердан, кимдан, у мол (сўйиладиган) юқумли касаллиги йўқми, куйдирги, оқсил ва бошқа касалга қарши эмланганми-йўқми, бруцеллез (қора оқсоқ) туберкулёз касалига текширилганми, сўйиш олди, сўйишдан кейинги ветеринария санитария экспертизасидан ўтказилганми каби қатор саволларга жавоб берган ҳолда қорамолни ва бошқа қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларни сўйишга рухсат берилиши керак.

Телевидениеда 2-3 марта 1 700 килограмм, 1 800 килограмм мол гўшти Тошкент назорат постларида ушланиб қолинаётганига оид хабарларга кўзим тушди. Ўйланг, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Хоразмлардан бу гўштлар қандай етиб келди экан-а, ахир, йўлда қанчадан-қанча постлар бор эмасмиди? Бу гўштларнинг қандай ўтиб келганлиги, афсуски, номаълум.

Бу ҳолатларнинг барчаси республикада, вилоятда ветеринария давлат назорати сустилигидан далолат беради. Пастки қишлоқ, туман, маҳаллаларда ветеринария назорати тўғри йўлга қўйилмаган. Масалан, "Харомни ҳалолга айлантираётган афсунгарлар, осмондан тушган, ўзга сайёраликлар эмас-ку! Моли ўлибди, ўлишдан олдин участка ветеринария мутахассиси даволаган, амбулатория журналида қайт этган, даволагани учун мол эгасидан хизмат пулини олган (бирдан мол ўлса бу қутуриш, қорасон, ўлат, куйдирги касалига гумон қилинади) даволаш натижа бермаган бўлса, ўлса унинг сугурта пулини олиши керак эди. Ҳужжат тузиши керак эди. Улигини участка ветеринария шифокори, даволовчи мутахассис назорати остида куйдириш, сўнг кўмиш керак эди. Бу ишлар амалга оширилмаган бўлгач, "афсунгарлар"га йўл очиб берилган-қўйилган.

"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2020 йил 25 июль №138 сонидаги "Минга яқин бюрократик жараёнлар барҳам топади" номи мақолада жамоатчилик муҳокамасидаги ҳужжатдаги 7-абзацда куйидагича фикр билдирилган:

...фармон лойиҳасида инсон соғлиги ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турларини лицензиялашдан чиқариб ташлаш ҳамда хавфлилик даражаси паст бўлган фаолиятларни тартибга солишнинг муқобил усулларига ўтказиш тақлиф қилинмоқда", дейилган, 12-абзацда эса ветеринария даволаш-профилактика ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқини ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ҳам бериш назарда тутилмоқда, 14-абзацда эса шундан келиб чиқиб, фаолият турларини тартибга солишнинг либерал усулини жорий қилиш тақлиф этилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, "афсунгарлар" кўпайиши аниқ, давлат ветеринария назорати издан чиқади. Нафс учун ким нимани хоҳласа шуни қилади. Ветеринария хизматини либераллаштириш мутлақо мумкин эмас. Ветеринария назорати, СЭС хизмати билан бир хилда бўлиши керак.

Ҳозирги кунда ветеринар хизмати вилоят ва республикадаги раҳбарлари пастларга тушиб, аҳволни чуқур ўрганишлари зарур, акс ҳолда аҳвол бундан баттар бўлади.

Нуриддин МУЗАФФАРОВ,  
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Бўстон МФЙ,  
Эзгулик қўчаси, 29-уй